
АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШНИ ЎТКАЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ МАЗМУН-МОҲИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

Давлат раҳбарининг жорий йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони мазмун-моҳиятини ўрганиш мақсадида Бағдод тумани ғазначилик бўлинмаси ходимлари учун давра суҳбати ташкилланди.

Туман статистика бўлими ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбир аввалида бўлим бошлиғи Ф. Ҳамдамов сўз олиб, Президент фармони юзасидан батафсил тушунча бериб ўтди.

- Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришганидан буён аҳолини рўйхатга олишдек кенг қўламли тадбир ўтказилган эмас, - дея таъкидлади Ф. Ҳамдамов. - Бу тадбир мамлакатда яшовчи барча аҳоли тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаи бўлиб, келгуси 10-20 йиллик ривожланишнинг прогноз параметрларини ҳисоблашнинг пойдевори ҳисобланади. Бундан ташқари, бу тадбир кенг миқёсда рўйхатга олиш давридаги аҳолининг сони, жинси, ёши, оилавий аҳволи, маълумоти даражаси, яшаш шароити, иш билан бандлиги, миллати, фуқаролиги ҳамда жамият ривожланиши учун зарур бўлган бошқа бир қатор муҳим маълумотларни олиш имконини беради.

Давра суҳбати давомида туман статистика бўлими бош мутахассиси Ш. Жабборов аҳолини рўйхатга олишнинг мақсади ва вазифалари, мазкур жараёнга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш босқичлари, тадбир харажатларини молиявий таъминлаш масалалари тўғрисида сўз юритди. Маълум қилинишича, аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёни 3 босқичдан иборат бўлиб, дастлабки босқичда:

рўйхатга олиш дастури, рўйхатга олиш варақаларини тайёрлаш;

синов асосида аҳолини олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, натижаларни таҳлил қилиш;

замонавий хариталаш технологияларидан фойдаланган ҳолда аҳолини рўйхатга олишни ташкиллаштириш;

рўйхатга олиш участкаларини бино, модий техника воситалари, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш ва бошқалар инobatга олинади.

Иккинчи босқичда аҳолини рўйхатга олиш ишлари амалга оширилса, учинчи босқичда бирламчи маълумотлар автоматлаштирилган тизимга киритилиб, кодланади ва натижалар эълон қилинади.

Яқунда туман ғазначилик бўлими бошлиғи С. Тожибоев сўз олиб, давра суҳбати қатнашчиларига миннатдорлик билдирди ва ушбу муҳим ижтимоий жараёнда ҳар бир фуқаро фаол иштирок этиши лозимлигини таъкидлади.

Бағдод тумани ҳокимлиги

Ахборот хизмати.

2019-10-03 14:08:39